2009 йил 5 ноябрь, пайшанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 216 (11.527) Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Тошкент 2200

**Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароити талабларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш орқали кўплаб корхоналаримизда импорт ўрнини босувчи жаҳон андозалари даражасидаги рақобатбардош товарлар ишлаб чиқарилмоқда. Бундай маҳсулотларнинг нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам харидорини топаётгани иқтисодиётимиз ривожига катта ҳисса қўшмоқда.**



Иқтисодиёт

## ИМКОНИЯТЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИБ

Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган масъулияти чекланган жамияти шаклидаги «2-темир-бетон буюмлари заводи» қўшма корхонаси жамоаси ҳам Европа давлатларининг янги, замонавий технологияси асосида (мазкур технология нафақат республикамизда, балки Марказий Осиёда ҳозирда ягона ҳисобланади) буюртмачиларнинг хоҳиш-истагига кўра 12 метр узунликдаги сифатли бетон маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда. Жамият аҳли малакали, касбига алоҳида меҳр-муҳаббатли бетончи, қолипчи ҳамда арматурачилардан иборат 200 нафарга яқин ишчи-хизматчиларни ташкил этади.

— 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида, — дейди қўшма корхона директори Абдували Ваҳобов, — Юртбошимиз ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, халқаро сифат стандартларига ўтиш бўйича қабул қилинган тармоқ дастурларини амалга оширишни тезлаштириш вазифаси қўйилаётгани, бу эса ўз навбатида, мамлакатимизнинг ташқи ҳамда ички бозорда барқарор мавқега эга бўлишини таъминлаш имконини беришини таъкидлаб ўтганди. Корхонамиз узоқ йиллардан буён фаолият юритмоқдаки, ишлатилиб келинаётган дастгоҳ, ускуналар бугунги бозорга харидоргир маҳсулотлар тайёрлаш имконини чеклаб қўйганди. Шу боис, цехларимизни кенгайтириб, замонавий, юксак унумли технологик линиялар ўрнатдик. Малакали мутахассислар, жумладан, сертификатга эга лаборатория ходимларининг самарали саъй-ҳаракатлари муваффақиятларимизни таъминламоқда.

Мазкур қўшма корхона ҳозирда буюртмачиларга 100 турдан зиёд бетон маҳсулотлари тайёрлаб, ўз муддатида етказиб бермоқда. Ички, ташқи бозорни доимий ўрганиш асосида жамият тадбиркорлари яна бир янгиликка қўл уришган. Яъни, айни кунларда завод қошидаги лабораториянинг етакчи мутахассислари билан ҳамкорликда янги технологик линия орқали ишлаб чиқарилиши режаланган катта ҳажмдаги кўприк қурилишида ишлатиладиган бетон тўсинлар устида иш олиб борилмоқда.

— «Интилганга — толе ёр», деб доно халқимиз бежиз айтмайди. Корхона цехларини қайта жиҳозлаш ишлари яхши самара бермоқда, янги технологик линиялар шарофати билан жамоа аҳли ишлаб чиқариш ҳажмини сезиларли даражада оширишга эришди. Шунингдек, бу борада албатта, ишчи-хизматчиларга яратилган ҳар томонлама қулайликлар: махсус иш кийимлари, бепул 2 марталик овқат (сут маҳсулотлари билан биргаликда) ҳамда меҳнатга яраша мукофот ва рағбатлантиришларни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринли.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

**СУРАТДА: қўшма корхона жамоаси замонавий технологиялар асосида фаолият юритади.**

**Владимир Портнов олган сурат**

**Интеллектуал мулк, ихтирочилик ва инновация – иқтисодиёт тараққиётини таъминловчи муҳим омиллардан. Шу боис бу масалаларга оид патент ҳуқуқлари ва интеллектуал мулк муҳофазасини таъминлашга мамлакатимизда алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, замонавий инновацион технологияларни жорий этиш, рақобатбардошлиликни ошириш, экспорт салоҳиятини юксалтириш бугунги кундаги устувор вазифалардандир.**

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

## ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК — ТАРАҚҚИЁТ ТАЯНЧИ

**Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади.**

(Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 42-модда).

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилиб ҳаётга изчил татбиқ этилаётган Инқирозга қарши чоралар дастурида ҳам корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Бу вазифалар эса, шубҳасиз, инновацион фаолиятнинг ривожи, уларни амалиётга самарали татбиқ этишга боғлиқдир.

Президентимизнинг 2008 йил 15 июлда қабул қилинган "Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори айни шу мақсадда қабул қилиниб, илмий-амалий тадқиқотлар ва инновацион ишланмалар ривожига замин яратди. Зеро, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашда бунинг аҳамияти беқиёс. Шунинг учун илмий-тадқиқот институтлари ҳамда реал иқтисодиёт тармоқлари корхоналари ўртасида узвий ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу йўналишда инновацион ғоялар ва лойиҳалар Республика ярмаркаси ўтказилиб келинмоқда.

Пойтахтимизда "Инновацион фаолиятни ривожлантиришда патентлар ва патент ахборотининг аҳамияти" мавзуида бўлиб ўтган семинарда шу ҳақда гап борди. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси ҳамда Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ) ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда халқаро экспертлар, инновацион ташкилотлар вакиллари, олимлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси давлат патент идораси директори Б.Омонов мамлакатимизда интеллектуал мулк муҳофазасини кучайтириш ва қўллаб-қувватлаш доимий эътиборда эканини таъкидлади. Ушбу жараённинг ҳуқуқий асослари яратилиши баробарида унинг ижроси изчил таъминланмоқда. Шунингдек, мамлакатимиз интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш соҳасида кўплаб халқаро шартнома ва битимларда иштирок этмоқда, халқаро ҳамда минтақавий ташкилотлар билан фаол ҳамкорлик қилиб келаётир. Бу илмий-техникавий ишланмаларни хорижда муҳофаза қилишга ва экспортерларнинг ташқи иқтисодий фаолиятига ҳамда чет эл инвестицияларини миллий саноатимизга жалб қилишга кенг йўл очмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## ИЛМ-ФАН — ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

**Президентимиз Ислом Каримовнинг доимий эътибори туфайли Ўзбекистон илм-фани юксак натижаларга эришмоқда**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" китобида корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш мамлакатимизда амалга оширилаётган Инқирозга қарши чоралар дастурининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Ушбу вазифани муваффақиятли ҳал этишда илм-фан муҳим ўрин тутади.**

Илм-фан – ҳар қандай давлатнинг бугуни ва келажагини кўп жиҳатдан ҳал қиладиган бебаҳо бойликдир. Бугунги кунда тадқиқотлар натижаларини илмий жиҳатдан таҳлил қилмасдан ва ўзлаштирмасдан ривожланиши мумкин бўлган иқтисодиётнинг бирор бир тармоғи, жамият ҳаётининг бирор соҳаси йўқ. Дунёнинг аксарият мамлакатлари молиявий-иқтисодий инқирозни бошдан кечираётган бир пайтда Ўзбекистонда ишлаб чиқаришни илғор технологиялар асосида модернизация қилиш, илмий-техника салоҳиятидан самарали фойдаланиш, иқтисодиётимизни ривожлантиришда инновация йўлига ўтиш муҳим стратегик аҳамият касб этмоқда. Фақат инновация фаолиятигина фундаментал ва илмий-тадқиқот ишлари натижаларини амалиёт билан боғлаши мумкин. Бу эса жадал технологик ўзгаришларнинг асоси бўлиб хизмат қилади.

(Давоми 2-бетда).

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **ЭРТАГА** Тошкент туризм касб-ҳунар коллежида Маънавият тарғибот марказининг Юнусобод туман бўлими ташаббуси билан уюштириладиган «Огоҳлик — давр талаби» мавзуидаги тадбирда ўқитувчилар, ўқувчилар, ҳуқуқшунослар иштирок этишади.

✓ **ЭРТАГА** Тасвирий санъат галереясида Ўзбекистонда илк бор машҳур немис рассомларидан бири Гюнгер Юккернинг «Таҳқирланган инсон — таскин топишнинг 14 усули» деб номланган шахсий кўргазмаси очилади.

✓ **УЧТЕПА** туманида туман фаоллари ва ёшлари иштирокида ўтказилган тадбир сайловлар жараёнида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг ўрни ва роли масаласига бағишланди.

✓ **ЭРТАГА** Миробод туманидаги Ғафур Ғулом номли маданият уйида стол тенниси бўйича уюштириладиган мусобақада Баротхўжа номли маҳалла ёшлари беллашади.

## XXI аср садоси

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Тошкентдаги «TOSOL-N» корхонаси транспорт воситалари учун антифриз ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Импорт ўрнини босувчи ушбу маҳсулот харидорлари тобора кўпайиб бормоқда. Ҳозир корхонада кунига 20 тонна антифриз тайёрланиб, буюртмачиларга етказиб берилмоқда. Янги йилдан бошлаб эса, ушбу маҳсулот шартнома асосида Ҳамдўстлик давлатларига ҳам сотилади.**

**● «Республиканинг энг яхши қишлоғи» кўрик танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи ниҳоясига етди. Элликқалъа туманидаги Қирққиз овули республика босқичининг ғолиби бўлди.**

**● Термиз шаҳрида Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Сурхондарё вилоят ҳудудий конференцияси бўлиб ўтди. Унда эколог олимлар, ҳуқуқшунослар, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимлари ходимлари, маҳалла фаоллари иштирок этди.**

**● Жиззах шаҳридаги «Эски шаҳар буюм бозори»да вилоят хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси ташаббуси билан «Уй меҳнати ва ҳунармандчилик маҳсулотлари» кўргазма-савдоси ташкил этилди.**

**● Навоий вилоятидаги Даш-Нагорний каналининг иккинчи навбати фойдаланишга топширилди. Натижада ҳудуддаги 2000 гектардан зиёд ер майдонининг сув таъминоти яхшиланди.**

**● «Исковот АГРС-Бекобод» юқори босимли газ тармоғи тортилиши билан Наманган вилоятининг Янгиқўрғон ва Чортоқ туманларидаги 12 та қишлоққа табиий газ кириб борди. Бунинг учун «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси томонидан 8 миллион сўм маблағ сарфланди. Ҳозирда лойиҳанинг кейинги босқичи — қишлоқ ва маҳаллага ўрта босимли қувурларни монтаж қилиш ишлари давом этмоқда.**

### ЖАҲОНДА

**● Чехия давлати маъмуриятининг билдиришича, Лиссабон шартномаси имзоланганидан сўнг ушбу мамлакат Европа Иттифоқи таркибидан чиқиши мумкин.**

**● Афғонистон президентлигига собиқ номзод доктор Абдулла Абдулла мамлакат янги ҳукумати таркибига кирмаслигини билдирди.**

**● Украинанинг «Нафтогаз украини» компанияси Россия билан газ тўловлари юзасидан муаммолар борлигини тан олди.**

**● Вьетнамда ҳуруж қилган «Меденаэ» тўфонининг талафотлари тобора ошиб бормоқда. Хусусан, шу кунгача мазкур табиий офат 40 кишининг ҳаётига зомин бўлган, 60 нафар одам эса турли даражадаги тан жароҳатларини олган, 10 киши бедарак йўқолган. Тинимсиз ёғаётган ёмғир туфайли мамлакатнинг бир қатор ҳудудларида сув тошқинлари юзага келган бўлиб, хавфли минтақалардаги 50 минг киши бошқа жойларга кўчирилди.**

**● Opel автомобиль ишлаб чиқарувчи компанияси иқтисодий қийинчиликлар сабабли ўзининг 10 минг нафар ишчи-хизматчисини қисқартиришини маълум қилди.**

**● «Газпром» компанияси билан тузилган янги шартномага мувофиқ Польша ҳар йили Россиянинг 10,3 миллиард куб метр табиий газини импорт қилади.**

**● Сўнгги маълумотларга кўра Белоруссияда янги A/H1N1 гриппига чалинган етти киши ҳаётдан кўз юмган.**

**● Нью-Йоркдаги «Christie» аукционида таниқли мусаввир Эдгар Деганинг «Рақкоса» («Danseuses») асари 10,7 миллион АҚШ долларига сотилди. Таъкидлаш керакки, 1896 йилда яратилган мазкур санъат асари ўтмиш ва ҳозирги замон рангтасвир ишларининг ноёб дурдонаси сифатида баҳоланган. Савдолар чоғида шунингдек, Клод Моне, Поль Синьяк, Тамара де Лемпицка каби рассомларнинг ижод намуналари ҳам қиммат нархларга сотилган.**

Сайлов — 2009

# САЙЛОВ ВА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР

**Сиёсий партия ва ҳаракатлар демократиянинг ажралмас таркибий қисми, сайловларнинг асосий иштирокчилари ҳисобланади. Демократик анъаналарга эга бўлган мамлакатларда сиёсий партиялар ижтимоий фикрни, халқнинг сиёсий иродасини шакллантиришда етакчи ўринни эгаллайди. Барқарор кўппартиявийлик тизими жамият ва давлатнинг тараққиёти билан боғлиқ жиддий масалаларда асосий ёндашувларни таклиф этиш, шу йўл билан муайян сиёсий партияларнинг номзодлари ва дастурлари учун овоз берадиган сайловчиларга самарали сиёсий қарор қабул қилиш имкониятини яратади.**

Илғор сайлов тажрибалари шундан далолат берадики, ҳар қандай сайлов — бу партияларнинг сайловидир, яъни партиялар сайлов жараёнининг асосий субъекти ҳисобланади. Шунинг учун демократлаштириш жараёни кўппартиявийлик тизимини шакллантириш ва ривожлантиришни ўз ичига олади. Мазкур жараённинг муҳим таркибий қисми — сайловлар бу тизимнинг вужудга келишида кучли омилдир.

Кўппартиявийлик тамойили мамлакатимизнинг мустақиллик даври сайлов амалиётига ҳам хосдир. Бу тамойил Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда сайлов қонунчилигида, хусусан, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунда ўз ифодасини топган. Агар Олий Мажлиснинг биринчи чақириғида парламентда икки партия вакиллари фаолият кўрсатган бўлса, иккинчи чақириғида партияларнинг сони бештага (улар 4 та фракцияга бирлашган) етди. Шу йилнинг 27 декабрида бўлиб ўтадиган сайловларда эса тўртта партия иштирок этиш ниятини билдирган.

Яна бир муҳим масала сиёсий партиялар фаолиятини молиялаштириш билан боғлиқ. Қонунчиликка асосан, учта молиявий манба — сиёсий партияларнинг ўз маблағлари, хусусий ва давлат томонидан молиялаштириш назарда тутилади. Турли мамлакатлар қонунчилигидаги ушбу манбалар нисбати ва уларни ҳуқуқий тартибга солиш турлича. Хорижий мамлакатларда сиёсий партияларнинг молиявий фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш давлатнинг қатъий назоратига олиш билан тавсифланади. Бундай тартибга солишдан кўзланган мақсад — партиялар фаолияти билан боғлиқ сиёсий коррупцияни тугатиш, сиёсий ҳаётни соғломлаштириш, кўппартиявийлик тизимининг мўътадил фаолият юритишини таъминлашдан иборат.

Сиёсий партияларнинг асосий вазифаси электорал бўлиб, бу уларнинг давлат ҳокимиятини эгаллаш учун курашадиган жамоат уюшмаси сифатида мавжудлиги билан белгиланади. Демократик жамиятда бу мақсадга фақат очиқ курашлар, давлат раҳбарлигига ва парламентга бўладиган сайловларда иштирок этиш орқали эришилади. Шунинг учун ҳам барча ҳуқуқий ҳужжатларда сиёсий партияларнинг электорал вазифаси оммавий мазмунга эга бўлиб, уни амалга ошириш фақат уларнинг ҳуқуқи эмас, балки айни вақтда мажбурияти ҳам ҳисобланади.

"Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси", "Фуқароларнинг шахсий ва сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги Пакт", "Копенгаген анжумани ҳужжатлари", "Парламентлараро Иттифоқ Кенгаши"нинг Эркин ва адолатли сайловлар мезонлари тўғрисида декларацияларида белгилаб қўйилган умумий, тенг, тўғри, яширин овоз бериш, эркин, очиқ ва адолатли сайлов ўтказиш каби талаблар Ўзбекистон қонунчилигида ўз аксини топган ва йилдан-йилга, сайловлардан сайловга қадар такомиллашиб бормоқда.

Мамлакатимизда сайлов қонунчилигини такомиллаштиришда юқоридаги мезонлар билан бир қаторда халқимизнинг ўзига хос менталитети, ижобий анъаналари, бетакрор қадриятлари инобатга олиниб, бой маънавий-маданий меросига таянган ҳолда иш олиб борилмоқда. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаб ўтганидек, фуқароларимиз сайловларда "ўзларининг эзгу орзу-мақсадларини рўёбга чиқариш, юртимизнинг тинчлиги, Ватанимизнинг тараққиёти учун овоз берадилар".

Маълумки, 2008 йил 25 декабрда сайлов тўғрисидаги қонун хужжатларини такомиллаштириш билан амалдаги Конституция ва ўн учта қонунга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловларда сиёсий партиялар учун сайлов кампаниясининг барча босқичларида тенг имкониятлар ва кенг ҳуқуқий кафолатлар мавжудлигининг шоҳиди бўламиз. Масалан, давлат сайлов кампанияларини ташкил этишда сиёсий партияларга тарғибот-ташвиқотнинг эркин ўтказилишини кафолатлайди. Эркин ва адолатли сайловларнинг мезонлари тўғрисидаги Декларацияда қайд этилганидек, «ҳар бир сиёсий партия ахборот воситаларига эга бўлиши ва айниқса, ўзининг сиёсий қарашларини баён қилиш мақсадида оммавий ахборот воситаларига чиқишлар қилишда тенг имкониятларга эга бўлиши керак», «Давлатлар ОАВларида чиқиш учун бирон-бир юридик ёки маъмурий тўсиқлар ўрнатмасликни таъминлайдилар».

Миллий сайлов қонунчилигимизда кузатувчилар институтига ҳам катта эътибор берилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловларда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, бошқа давлатлар халқаро ташкилот ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиши кафолатланади.

Сайлов қонунчилигининг такомиллаштирилиши муносабати билан сиёсий партияларга сайлов участкасида овозларни санаб чиқишда иштирок этиш ҳуқуқи берилди. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ва «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонунларга янги 17¹- модданинг киритилиши сайлов амалиётида ўзига хос янгилик бўлиб, унга кўра депутатликка номзод кўрсатган сиёсий партия сайлов участкасида овозларни санаб чиқишда иштирок этиш учун Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган тартибда ўз аъзолари орасидан ваколатли вакил тайинлашга ҳақли. Бу янги меъёр сайловларнинг янада адолатли ўтишини таъминлашга ҳизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар ишончли вакиллари сонининг 5 нафардан 10 нафарга оширилганлиги ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Бу сайловолди тарғибот ва ташвиқот ишларининг муваффақиятли кечишини таъминлайди ва ҳар бир номзоднинг имкониятларини, дастур ва ғояларини кенг очиб беришга хизмат қилади.

Илгари сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида олти ой олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган бўлиши ҳақидаги шарт эндиликда тўрт ой қилиб белгиланди. Сайловда иштирок этишини қўллаб-қувватловчи камида 50 минг сайловчининг имзосини тўплаган тақдирдагини депутатликка номзодлар кўрсатиш мумкинлиги ҳақидаги талаб 40 минг сайловчи имзосига туширилди. Бу сиёсий партиялар учун енгиллик яратади.

Бўлажак сайловларда фуқаролар ҳар бир депутатликка номзоднинг малакаси, ахлоқий, сиёсий сифатларини тўғри таҳлил қилган ҳолда овоз беришлари шарт эканлигини билишлари лозим бўлади. Зотан, сайланган депутатлар беш йил мобайнида истиқболли йўналишларга тааллуқи муҳим масалаларни ҳал қиладилар.

**Омон МУХАММАДЖОНОВ,**
**юридик фанлари доктори**

Иқтисодиёт

# СИФАТИГА ЭЪТИБОР

**Мебелсозлик, автомобилсозлик ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида фойдаланиладиган поролон маҳсулотлари тайёрлашни йўлга қўйиган «SIMAKX PARS» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси тадбиркорлари буюртмаларни сифатли адо этишмоқда.**

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 2005 йилда ўз фаолиятини йўлга қўйиган мазкур корхонада ишлаб чиқариш ҳажми, маҳсулот турлари ва рақобатбардошлиги ортиб бормоқда.

— Тайёрланаётган маҳсулот сифатини таъминлашда Россиядан келтирилаётган хом ашё ҳамда малакали мутахассисларимизнинг изланишлари қўл келмоқда, — дейди корхона директори ўринбосаари Мурод Маҳкамов. — Шунингдек, юксак унумли замонавий дастгоҳлар қувватидан самарали фойдаланаяпмиз. Бугунги кунда мижозларимиз талабини қондириш, иқтисодиёт ривожига муносиб ҳисса қўшиш мақсадида маҳаллийлаштириш дастури асосида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини орттиришга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Шу ўринда таъкидлашим лозимки, изланишларимизни давом эттириб, янги, импорт ўрнини босувчи маҳсулот тайёрлашни ҳам ният қилганмиз. Бунинг учун россиялик ҳамкорларимиз билан алоқаларни янада мустаҳкамлашга интилаяпмиз. Албатта, янги технологик линиялар келтириб ўрнатиш мақсадимиз бор.

Четдан келтириладиган маҳсулот — поролон ишлаб чиқараётган корхона тадбиркорлари бугунги кунда юртимизда ушбу товарга бўлган эҳтиёжни қондиришга эришмоқда. Шуниси эътиборлики, импорт ўрнини босаётган мазкур маҳсулот аъло сифати ва бирмунча арзон нархи билан истеъмолчилар талабини қондирмоқда. Қувонарли томони эса корхона маҳсулоти халқаро стандарт талабларига тўла жавоб бермоқда. 30 нафардан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган замонавий корхонада баракали меҳнат қилиш ва мазмунли ҳордиқ чиқариш учун барча шароитлар яратилган.

# ЭНЕРГИЯ ТЕЖАШДА ФОЙДАЛИ

**Энергия ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиш, ортиқча исрофгарчиликка йўл қўймаслик давр талаби бўлиб, бу албатта, мамлакатимиз иқтисодиёти ривожида муҳим аҳамият касб этади.**

Бу борада пойтахтимизда бир неча йилдан буён муваффақиятли фаолият кўрсатаётган ва изланишлари яхши самара бераётган Автоматлаштирилган электр юритмалари ишлаб чиқариш корхонасининг малакали мутахассислари муносиб ҳисса қўшишга интилишмоқда. Корхонада тайёрланаётган тежамкор ускуналар, янги илғор технологиялардан унумли фойдаланиш самараси бўлиб, улар мамлакатимиздаги йирик саноат корхоналарида қўл келяпти. Бугунги кунгача ана шундай қурилмаларнинг 20 дан зиёд турлари яратилди. Улар электр энергиясини 30--40 фоиз тежаш имкониятини бермоқда.

Корхона мутасаддиларининг таъкидлашича, улар томонидан яратилган рақобатбардош қурилмаларга хорижий давлатлардан ҳам буюртмалар тушмоқда. Аввало, мамлакатимиз истеъмолчилари талабини қондиришни мақсад қилган тадбиркорлар келгусида хорижий ҳамкорлар билан ишлашни, экспортни йўлга қўйишни ҳам режалаштириб турибди.

Ҳозирда корхонада тайёрланган энергия тежовчи ускуналардан Бекобод металлургия комбинати, «Пскент» насос станцияси, «Ўзметкомбинат» ва бошқа корхоналарда фойдаланилмоқда. Келгусида корхона ходимлари, яъни изланувчан олимлар янги, янада тежамли қурилмаларни истеъмолчиларга етказиб бериш йўлида меҳнат қилишмоқда.

# «PGS» МАҲСУЛОТЛАРИ

**Ҳавонинг салқин ва совуқ кунларида аҳолида, айниқса иситиш ускуналари ва печларига эҳтиёж кучаяди. Бу борада хорижда тайёрланган сертификатсиз товарлардан эмас, балки пойтахтимизда ўз маҳсулотлари нуфузи билан муваффақият қозонаётган «PGS» хусусий корхонаси асбоб-ускуналаридан фойдаланилса, самараси яхши бўлади.**

Мазкур корхонада бугунги кунда электр ускуна ва жиҳозларнинг жуда кўплаб турлари тайёрланмоқда. Улар нафақат импорт ўрнини босади, балки самарадорлиги, қўлланишга қулайлиги, тежамкорликда беқиёслиги, алоҳида дизайни билан ажралиб туради. Турли хил кичик новвойхоналар, электр қозон ва печлар, тиббиёт каравотлари, электр қўра ва сандаллар ҳамда бошқа жиҳозлар ана шулар жумласидан бўлиб, уларни ишлаб чиқаришда илғор технологиялар ва замонавий техникалардан фойдаланилмоқда. Айниқса, электр сандалларни тайёрлашда фойдаланилаётган сопол хом ашёси ўзининг фойдали хусусиятлари, безарарлиги билан ажралиб туради.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, корхона маҳсулотлари электр энергияси сарфи тежамида ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, барча сертификатланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришда аввало бозор ва харидор талаби инобатга олинади.

**Шарофат БАХРОМОВА**

# ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК — ТАРАҚҚИЁТ ТАЯНЧИ

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

Патент эгалари ҳуқуқларини ҳимоялаш борасида юртимизда ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, товар белгилари, ЭҲМ учун дастурлар, ўсимлик навлари, ҳайвон зотлари, интеграл микросхемалар топологиялари, товар келиб чиққан жой номлари каби ўндан ортиқ номдаги интеллектуал мулк объектлари муҳофазага олинган. Патент ҳужжатлари давлат фонди олимлар, турли соҳа мутахассислари, янги техника ва технологияларнинг ишлаб чиқувчилари учун миллий ва хорижий патент ҳужжатларини тақдим этадиган йирик марказлардандир.

— XXI аср иқтисодиётининг пойдеворини кўпроқ инсон илму тафаккури, билими мустаҳкамлайди, — дейди Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти вакили Сергей Зотин. — Табиий бойликлар эмас, балки айнан интеллектуал мулк мамлакатлар ривожида катта роль ўйнайди. Бу масалага Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов томонидан катта эътибор қаратилиб, қўллаб-қувватланаётгани таҳсинга лойиқ. Иқтисодиётни инновацион йўл билан ривожлантириш масаласи қўйилиб, у муваффақиятли амалга оширилаётганига гувоҳмиз. Бу борадаги ҳамкорлигимизни янада ривожлантирсак, хусусан, соҳага оид ахборот алмашинувини бундан-да кенгроқ йўлга қўйсак, айни муддао бўлади.

Семинарда янги техника ва технологияларни яратиш ҳамда бозорга чиқаришда патентлар ҳамда патент ахборотининг аҳамияти, шунингдек, бизнесдан келадиган даромадни ошириш, компанияларни стратегик ривожлантириш ва инновацияларни бошқариш мақсадида интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва тижоратлаштиришга оид масалалар муҳокама этилди.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

# ИЛМ-ФАН — ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

Ўзбекистонда илмий-техника бўйича давлат сиёсати илмталаб ишлаб чиқаришларни ривожлантиришга қаратилган. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимиз реал сектори тармоқлари ва, умуман, иқтисодиётимизни ривожлантиришга ёрдам беради.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан фундаментал ва амалий тадқиқотлар илмий-техник дастурларини ҳамда инновация ишларини амалга оширишда иштирок этаётган илмий-тадқиқот муассасалари илмий ходимларининг базавий мансаб маошлари миқдорининг оширилиши олимлар ишларини фаоллаштиришда муҳим рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилмоқда. 2009 йил 18 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Илмий ходимлар меҳнатини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги тегишли қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида академия ва унинг илмий муассасалари тизимли асосда таркибий қайта ташкил этилмоқда, уларнинг илмий фаолияти комплекс равишда баҳоланмоқда, истиқболли қисқа ва узоқ муддатли илмий дастурлар тартибга солинмоқда, илм-фаннинг муҳим тармоқлари бўйича юқори малакали илмий кадрлар тайёрланмоқда. Натижада фундаментал илм-фан мустаҳкамланиб, уни грант асосида молиялаш имкониятлари кенгаймоқда, инновация тадқиқотларига эътибор кучаймоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, республикамизда ҳар йили инновация ғоялари, технологиялари ва лойиҳалари ярмаркаларини ўтказиш анъанага айланди. Бу ярмаркалар инновация ғоялари, технологиялари ва лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этишни жадаллаштириш, илм-фан ҳамда ишлаб чиқариш ўртасида мустаҳкам алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантиришга ёрдам бераётир. Иқтисодиёт вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Фанлар академияси томонидан мамлакатимиз олимлари ва ихтирочиларининг 600 дан ортиқ истиқболли инновация ғоялари, лойиҳалари, технологиялари ҳамда услубларини ўз ичига олган каталог тузилди.

Ўзбекистонлик олимлар илм-фаннинг, жумладан ядро физикаси, астрономия, қаттиқ жисмлар физикаси, гелиотехника, табиий бирикмалар кимёси, пахта биологияси, биотехнологиялар, археология, шарқшунослик каби кўплаб йўналишлари бўйича етакчи ўринни эгаллайди. Шундай бўлса-да, фундаментал ва амалий илм-фанни янада ривожлантириш учун илмий муассасалар ихтиёридаги техник база ва ноёб мосламалардан янада самаралироқ фойдаланиш зарур.

Бугун Ўзбекистон Фанлар академияси олдида кўплаб стратегик вазифалар турибди. Мамлакатимиз ишлаб чиқаришини ривожлантириш учун юқори технологиялар, шу жумладан, био ва нанотехнологияларни ишлаб чиқиш, маҳаллий хомашёдан маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича энергия тежовчи, экологик тоза технологияларни яратиш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш концепциясини ишлаб чиқиш, экологик аҳволни яхшилаш, фундаментал илмий тадқиқотларни олдиндан белгилаш ва узоқ муддатга режалаштириш, фан, таълим ҳамда ишлаб чиқаришнинг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш шулар жумласидандир. Бу борада узоқ, ўрта ва қисқа муддатга асосланган илмий тадқиқотларни режалаштиришни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Ушбу вазифаларнинг ҳал этилиши, ўз навбатида, юқори малакали илмий кадрларни тайёрлашни кучайтиришни тақозо этади. Зеро, бозор иқтисодиёти шароитида уларнинг чуқур билим, иқтидор ва маҳоратига талаб янада ортиб бормоқда. Бу, айниқса, техник ва муҳандислик йўналишидаги мутахассисликларга тааллуқлидир. Жаҳон тажрибаси илмий фаолиятда 25-40 ёшдаги тадқиқотчилар катта ютуқларга эришаётганидан далолат беради. Шу сабабли мамлакатимизда илм-фанга иқтидорли ёшларни жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Келажакка йўналтирилган юқори технологиялар билан шуғулланишда Ўзбекистон илм-фанининг бугунги тараққиётига жаҳон цивилизациясини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган буюк аждодларимиз асос солганини унутмаслик даркор. Мамлакатимиз Президентининг ташаббуси билан Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад Хоразмий, Мирзо Улуғбек ва бошқа кўплаб жаҳонга машҳур олимларнинг илмий анъаналари мустақиллик йилларида янги, янада чуқур аҳамият ва мазмун касб этди. Уларни ривожлантириш ва давом эттириш Ўзбекистон илм-фани мамлакатимизни иқтисодий жиҳатдан янада юксалтириш, жамиятимизни модернизациялаш ва ривожлантиришни таъминлайдиган муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

**Машҳура МАВЛОНИЙ,**
**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, Фанлар академияси Микробиология институтининг Саноат микробиологияси лабораторияси мудири.**
**(ЎзА)**

«Ватанпарвар» ташкилотларида

# «ВАТАН ИШҚИ ЯШАЙДИ ДИЛДА...»

**Бугунги кунга келиб мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Ташкилот нафақат оммавий техник касб мутахассисларини тайёрлашда, балки ёшларимизни маънан етук, жисмонан бақувват ҳолда вояга етишида, давлат ва жамоат бирлашмалари билан ҳамкорликда фаолият юритишда ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда. Шу боис «Ватанпарвар» ташкилотларида ўқиш истагини билдираётган ёшларимиз сони ортиб бормоқда.**

Фикрларимизни ташкилотнинг Яккасарой тумани бўлими Кенгаши мисолида давом эттирсак. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида туман Кенгаши томонидан 4 та учрашув, 2 та давра суҳбатлари, 3 та маънавий-маърифий миқёсга эга тадбирлар ўтказилди. Мазкур йиғилишларнинг мавзу-мундарижаси ёшларимиз онгига оғу солаётган диний-экстремизм ва фундаментализм, гиёванд моддалар олди-сотдиси, ОИТС касаллигининг олдини олиш сингари мавзуларга қаратилган. Ташкил этилаётган давра суҳбатлари "Ватанпарвар" ташкилоти ва ўзини ўзи бошқариш органлари, энг муҳими, аҳоли билан мустаҳкам алоқаларнинг боғланишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Агар жорий йилнинг шу давригача бўлган ишларни таҳлил этадиган бўлсак, "В" тоифада 180, "ВС" тоифада 90, "В"дан "С"га 60 нафар, умумий ҳисобда 320 нафар оммавий техник касбдаги мутахассислар тайёрланди. Бу йиллик иш режасининг 60 фоизи бажарилди, демакдир.

– Соҳамиз яна изчил ислоҳот, ўзгаришларни тақозо этади, – дейди мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Яккасарой тумани Кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Аваз Убайдуллаев биз билан суҳбатда. – Шу боис эътиборни асосий машғулотлар олиб борилувчи синфхоналаримизни янги ўқув жиҳозлари, кўргазмали қуроллар билан таъминлашга қаратмоқдамиз. Мақсадимиз тинғловчилар йўл-транспорт тизимига доир билимларини янада пухта, чуқурроқ ўзлаштирсин.

Белгилаб олинган амалий ишлар ижроси ўз самарасини бермоқда. Шу маънода Кенгашнинг туман, шаҳар, республика миқёсида ўтказилган қатор мусобақаларда фаол иштирок этиб келаётгани сир эмас. Бундан ташқари "Мардлар қўриқлайди Ватанни", "Мамлакатимиз Қуролли Кучлари тинчлик ва осойишталик гарови", "Юрт ҳимояси – муқаддас бурч" сингари тадбирларнинг ўтказилиши ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, аждодлардан мерос қолган шу азиз заминни севиб-ардоқлашда ўзига хос туртки вазифасини бажариб келмоқда. Ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ўтказилган "Сарой-хўжалик" куни ташкил этилиб, унда автоуловларнинг техник ҳолати яхшиланганлигига эътибор қаратилганлиги олиб борилаётган ишлар кўламининг кенгайиб бораётганидан далолат беради.

**Хидирали ПАНЖИЕВ**

# ТОШКЕНТ – ДУНЁ АЁЛЛАРИ НИГОҲИДА

**Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида «Тошкент – дунё аёллари эътиборида» номли тадбир бўлиб ўтди.**

Унда Италия, Корея, Туркия, Хитой, Японидан келган аёл ўқитувчилар иштирок этди.

— Ўзбекистонга келишимдан олдин бу шаҳар ҳақида умуман тасаввурга эга эмасдим. Келдим, кўрдим ва қойил қолдим. Чиндан гўзал шаҳар экан. Одамлари меҳрибон, — дейди япониялик ўқитувчи Хираока Макико. – Тошкент кўчаларида сайр қилишни яхши кўраман, айниқса кечқурунлари ранг-баранг чироқлар шаҳар чиройига ўзгача тус беради. Шундай гўзал шаҳарда яшаётганимдан фахрланаман, баъзан кўксим ғурурга тўлиб кетади.

Италиялик Говвес Антониетто талаба ёшлар ҳақида гапириб, уларнинг салоҳиятини юксак баҳолади. Ва Тошкент ҳақида самимий фикрлари, таассуротларини йиғилганларга сўзлаб берди.

Учрашувда сўзга чиққанлар мамлакатимизда аёлларга берилаётган юксак эътибор ва аёлларнинг жамият тараққиётидаги ўрнини кучайтириш ҳақида гапириб, бугунги тадбир ҳам ана шу кенг кўламли ислоҳотларнинг ёрқин бир намунаси эканлигини таъкидлади. Тадбир давомида инглиз филологияси факультети 1-босқич талабаси Муниса Киямованинг момоларимиз кийган анъанавий, миллий ва ҳозирги замонавий кийимлар коллекциясидан иборат модалар намойиши ўтказилди. Мақсад талабалар ўртасида кийиниш маданиятини кенг тарғиб қилиш ва уларни юксак маънавий руҳда тарбиялашдир.

Учрашувда университет талабалари томонидан мусиқали дастур ташкил этилиб, унда турли тилларда куй-қўшиқ ва рақслар ижро этилди.

**Рахшона ТОШПЎЛАТОВА,**
**"Туркистон-пресс"**

